
S7 AIRLINES ФАРҒОНА ВА ВОЛГОГРАД ЎРТАСИДА МУНТАЗАМ ҚАТНОВЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

«Сибирь» (S7 Airlines) авиакомпанияси жорий йилнинг 7 декабридан бошлаб Фарғонадан Волгоградга мунтазам қатновларни йўлга қўйди.

Волгоград – Фарғона – Волгоград қатнови ҳафтанинг сешанба кунлари 174 ўриндиқли А320 самолётларида амалга оширилади.

Волгограддаги “Гумрак” халқаро аэропортидан учиш вақти маҳаллий вақт билан 6:25 да бўлиб, 3 соат 35 дақиқалик парвоз билан рейс Фарғона халқаро аэропортига маҳаллий вақт билан 12:00 да келиб қўнади. Фарғонадан соат 13:20 да Волгоградга қайтиш рейси билан учган лайнер, Волгоград вақти билан 15:10 да манзилга етиб боради.

Парвозлар 2021/2022 қиш мавсуми бўйича, 2022 йилнинг 22 мартига қадар режалаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-09 22:09:28